

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Жахон ихтисослаштирилган аралаш
моллари савдо комплекси”
акциядорлик жамият кузатув
кенгашининг “15” август 2018 йилдаги
7-мажлиси қарори билан

Жамият кузатув кенгаши раиси

Атаханова Самарaxon
Адашевна

(“15” август 2018 йил № 7) м.ў.

”РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Марказининг Наманган вилояти ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

Элчиев Аъзамжон
Нурмухамедович

№ F 0381-5 - сон

« 25 » сентябрь 2018 й.

(сана) м.ў.

ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси”
акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:

Оддий

R	U	I	O	S	A	O	3	8	1	7	5
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 1 000 (бир минг)
сўм бўлган, 749 280 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз(нақдсиз) акциялар.
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Акцияларни жойлаштириш усули - ёпиқ обуна усулида.
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бешинчи чиқарилишидир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: “Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси”
акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2018 йил “15” августдаги мажлиси
қарори.

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

Жамият акциядорларининг 2018 йил “09” июндаги навбатдаги йиллик умумий
йиғилиши қарори асосида.

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта
манзили: Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, Лола бекати.
Индекс: 160025. телефон/факс: (0 595) 300-36-30, электрон почта манзили:
namjahonbozor@inbox.uz, веб-сайти: www.namjahonsavdo.uz

Жамият бош директори:

Хамроҳўжаев Шерзод
Абдуллажонович

Жамият бош ҳисобчиси:

Хасанова Гулчехра
Эргашевна

Мухр



сана “ 25 ” 09 2018 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **749 280 дона оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз (нақдсиз).**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **749 280 (етти юз қирқ тўққиз минг икки юз саксон).**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **749 280 000 (етти юз қирқ тўққиз миллион икки юз саксон минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиши;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушига мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиши;

- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиши;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиши;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиши;

- қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини белгиланган тартибда талаб қилиши;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа жамоат ташилотларига бирлашиши;

- қимматли қозғаларни олишда зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга

Шунингдек, акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставида ушбу акциялар чиқарилувига нисбатан чеклашлар кўзда тутилмаган.

Акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорга асосан, ушбу чиқарилувдаги акциялар жамият акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна орқали уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **374 640 000 (уч юз етмиш тўрт миллион олти юз қирқ минг) сўм**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Аввал ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган жами 374 640 (уч юз етмиш тўрт минг олти юз қирқ) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз(нақдсиз) акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усулида, Қимматли қозғалар марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан 2018 йил “5” июн ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан, акциядорлар ўртасида ҳар 1 (бир) дона оддий акция учун қўшимча 2 (икки) дона оддий акция қўшиб бериш йўли билан жойлаштирилади.

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал оловчилар доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: ***Ушбу чиқарилувдаги акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 90 кундан ошмаслиги керак.***

Жойлаштиришни бошланги санаси- акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Жойлаштиришни тугатиш санаси- Ушбу чиқарилувдаги сўнги акция жойлашган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур акциялар Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги лозим.

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали уюлмаган қимматли қозғалар бозорида жамият акциядорлари ўртасида Қимматли қозғалар марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан 2018 йил “5” июн ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлар реестрига асосан, акциядорлар ўртасида ҳар 1 (бир) дона акция учун қўшимча 2 (икки) дона акция қўшиб бериш йўли билан ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шаҳс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессиялар фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: *Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *Давлат корхонаси унитар корхонаси*

Жойлашган ери ва почта манзили: *индекс 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй. Тел. (0371) 267-37-42, (0371) 267-36-42.*

Почта манзили: *Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, e-mail: info@deponet.uz.*

Алоқа телефони: *(0371) 267-37-42.*

Хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачилари тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: *“NAMANGAN VAQT” масъулияти чекланган жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *масъулияти чекланган жамияти*

Жойлашган ери ва почта манзили: *Наманган шаҳри, Куқумбойшоҳ кўчаси, 7 уй.*

Алоқа телефони: *0369-232-09-09.*

“NAMANGAN VAQT” масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 23.11.2012 йилда берилган 1236-сон лицензия, амал қилиш муддати чекланмаган инвестиция воситачиси сифатида иш юритади.

Тўлиқ номи: *“Toshkent Investitsiya Majmui” хусусий корхонаси*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *хусусий корхона*

Жойлашган ери ва почта манзили: *Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, e-mail: Tashinvestkom@mail.ru.*

Алоқа телефони: *(0371)-268-44-22.*

“Toshkent Investitsiya Majmui” хусусий корхонаси ўз фаолиятини, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 13.02.2018 йилда берилган 1304-сон лицензия, амал қилиш муддати чекланмаган инвестиция воситачиси сифатида иш юритади.

Тўлиқ номи: *“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” акциядорлик жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *акциядорлик жамияти*

Жойлашган ери ва почта манзили: *Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, e-mail: info@ndvakt.uz.*

Алоқа телефони: *(0371)-267-35-20, (0371)-267-35-27.*

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” акциядорлик жамияти ўз фаолиятини, қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази

томонидан 04.06.2018 йилда берилган 1328-сон лицензия, амал қилиш муддати чекланмаган инвестиция воситачиси сифатида иш юритади.

Тўлиқ номи: *“TAT-REESTR” масъулияти чекланган жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *масъулияти чекланган жамият*

Жойлашган ери ва почта манзили: *Тошкент шаҳри, Юнусобот тумани, А.Темур кўчаси, 1-уй, e-mail: info@tatat.uz, tatreestr@tatat.uz.*

Алоқа телефони: *(0371) 232-01-45.*

“TAT-REESTR” масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини, қимматли қозғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 04.04.2014 йилда берилган 1262-сон лицензия, амал қилиш муддати чекланмаган инвестиция воситачиси сифатида иш юритади.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган акциялар номинал қиймати бўйича жойлаштирилади.

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар жамият акциядорлари ўртасида жамиятнинг эски йилларнинг соф фойдасидан жамият устав фондига капитализация қилиш шarti билан йўналтирилган 2014-2015-2016-йиллар якуни бўйича бухгалтерия балансидаги тақсимланмаган соф фойдадан қўшимча акциялар чиқаришга йўналтирилган 730 234 000 сўм ҳамда 2017 йил якуни бўйича жамият устав капиталини кўпайтириш мақсадида қўшимча акциялар чиқаришга йўналтирилган 19 046 000 сўм маблағлар жами бўлиб 749 280 000 (етти юз қирқ тўққиз миллион икки юз саксон минг) сўмлик маблағ жамият ҳисобидан устав капиталини оширишга йўналтириш асосида жойлаштирилади. Шу сабабли акцияларга ҳеч қандай тўловлар амалга оширилмайди .

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташиқлотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шахобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш -топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Жамиятнинг ушбу акциялари чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, бу ҳақдаги тегишли маълумот қонунчиликда белгиланган тартибда эълон қилинади.

Ушбу чиқарилишида жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси устав капиталини оширишга йўналтириладиганлиги сабабли, мазкур чиқариш амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асл нусхалари билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри, Бобуришох кўчаси, Лола бекатида жойлашган манзилда иш кунлари соат 10:00.дан 16:00.гача танишишлари мумкин. Мурожат учун телефон рақам: (0 595) 300-36-30.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг нусхаларини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожат қилиб олишлари мумкин.

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қўйидагича ошкор қилинади:

- ***жамиятнинг корпоратив веб-сайтида www.namjahonsavdo.uz***
- ***корпоратив ахборотлар ягона порталида www.openinfo.uz***

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.